



ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ ПРОГНОЗЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Шухрат Жумаев

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси.
Тошкент, Ўзбекистон. sh.jumaev@soliq.uz*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a36

Аннотация

Бюджет даромадлари ҳар бир давлатнинг марказлаштирилган молиявий ресурсларининг асосий қисми бўлиб, йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланган солиқлар ҳам бюджет даромадларида ўз ўрнига эга. Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларнинг фаолиятини солиқ тизими орқали тартиблаш ва мувофиқлаштириш муаммоларини ўрганиш жараёнида дастлаб уларнинг фискал аҳамияти, аниқроқ қилиб айтганда мамлакат миллий иқтисодиёти, қолаверса, бюджет тизимидаги ролига баҳо беришимиз лозим бўлади. Шу сабабли, йирик солиқ тўловчилар томонидан бюджетга тўланадиган солиқ тушумларини прогнозлаштириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, бюджет прогнози, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, репрезентатив солиқ ставкаси, ўртача ставка солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

Кириш

Жаҳонда аксарият мамлакатларда солиқ тизими солиқ тўловчиларининг муайн қатламига (молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳажмига мувофиқ) эътибор қаратиш йўли билан солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга ҳарақат қилмоқдалар. Йирик солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилишини махсус механизмлар орқали назорат қилиш усули давлатнинг молиявий маблағларини бошқаришда катта фойда келтиради. Йирик солиқ тўловчиларни алоҳида режимда назорат тизимнинг яратилиши бюджет-солиқ қонунчилигига қатъий риоя этилишига ва солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигининг ошишига олиб келади. Ўзбекистон Республикасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш, йирик солиқ тўловчилар фаолиятини ташкил этиш, солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш ҳамда солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон солиқ тизимида йирик солиқ тўловчиларнинг фискал аҳамияти жуда юқори ҳисобланиши, йирик солиқ тўловчилар томонидан бюджетга тўланган маблағларнинг умумий бюджет тушумларидаги ўрни юқорилиги сабабли кейинги йилларда кўтиляётган йирик солиқ тўловчилар тушумларини прогнозлаштиришни такомиллаштириш, унинг аниқлигини ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Йирик солиқ тўловчиларни бошқариш оид илмий тадқиқотлар ривожланган мамлакатларда кенг миқёсдаги долзарб тадқиқот йўналишини сифатида ўрганилиб келинмоқда.

Жумладан, австралиялик олимлар Z.Akhand ва P.Grob [1,2] томонидан ривожланаётган мамлакатларда йирик солиқ тўловчиларни бошқарувини махсус бўлинмалар томонидан назорат қилиш тизимини жорий этишда эришилган ютуқлар ва камчиликлар тадқиқ қилинган. Шунингдек, Z.Ahmad [3] тадқиқотида йирик солиқ тўловчилар солиқ маъмуриятчилигига оид Покистон тажрибаси келтирилган. МДХ давлатларидан Россия Федерациясида биринчилардан бўлиб, йирик солиқ тўловчиларни бошқариш ва ушбу тизимни яратиш амалга оширилган бўлиб, 1998 йилдан йирик солиқ тўловчиларни бошқариш мақсадида солиқ органи марказий апаратида махсус бўлим ташкил этилган. Мазкур амалиёт бўйича илмий тадқиқот олиб борган С.Пепеляев [4,5] тадқиқотларида ушбу жараёнларнинг қонунийлиги ва тармоқ бошқарувининг самарадорлиги муаммоларига алоҳида эътибор қаратиб, солиқ органлари фаолиятидаги ҳуқуқий ва функционал камчиликларга баҳо берилган. Шу билан бирга, йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилиги оид тадқиқотлар кенгайиб, А.Каратаев [6,7], Г.Айтхожина [8], М.Белугина [9], Л.Струкова [10] каби тадқиқотчилар йирик солиқ тўловчиларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилган. Жумладан, Л.Гончаренко [11] тадқиқотларида йирик солиқ тўловчиларнинг трансфер нархлардан фойдаланиш муаммоларини тадқиқ қилган, К.Новосёлов [12] ва Л.Королевалар [13] солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган алоҳида тузилмасини жорий этилишининг муҳимлигини илмий асослаган, В.Ильин ва А.Поваровалар [14] йирик солиқ тўловчиларнинг томонидан солиқлардан тушумларни бюджет тизими бюджетлари ўртасида тақсимлашнинг зарурлиги борасида илмий изланишлар олиб борган.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада мантиқий усул ва моделлаштириш усуллари, таҳлил ва синтез, норматив ёндашув, тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик ва эконометрик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда бюджет ва солиқ-божхона сиёсати йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўйилган вазифаларга мувофиқ бюджетнинг реализми ва шаффофлиги тамойилларини амалга ошириш ҳамда давлат бюджети даромадларини максимал даражада сафарбар этишни таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Бундан ташқари, Давлат бюджети даромадлари прогнози бутун мамлакатни, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози, солиқ, божхона, бюджет ва бошқа тармоқдаги ўзгаришларни баҳолашга асосланади. Қонун ҳужжатлари, шунингдек солиқ ва божхона маъмуриятчилиги ва бошқа бюджет даромадларини бошқариш даражасини ҳисобга олади. Келгуси йил ва ўрта муддатли давр учун бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда прогноз даромадларини ҳисоблаш бюджет даромадларининг ҳар бир манбаси бўйича алоҳида амалга

оширилади. Бюджет даромадларининг барча манбалари бўйича прогноз даромадлари йиғиндиси умумий бюджет даромадлари ҳисобланади.

Бугунги кунда Давлат бюджетига солиқ тушумларини прогнозлаштириш Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқ ва йиғимлар тушумлари прогнозини (хорижий давлатларнинг тамойиллари ва амалий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда) тайёрлаш борасида аниқ методика ёки услубий қўлланма ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли, бюджет даромадлари прогнози, шу жумладан йирик солиқ тўловчилар томонидан бюджетга тўланиши кутилаётган прогнозларни ҳисоблаб чиқиш методикаси ишлаб чиқилиши кераклигини кўрсатмоқда.

Давлат бюджети даромадлари прогнозини шакллантириш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- даромад турлари бўйича базани аниқлаш (йиғиш, тўплаш), прогнозлаш учун параметрлар тизимини танлаш;
- бюджетга даромадлар тушишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, даромадлар ўсишини рағбатлантирадиган ҳамда даромадлар ўсишини секинлаштириш мумкин бўлган таъсирлар тўғрисида эксперт хулосаларини илгари суриш;
- дастлабки маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш, уларни баҳолаш, маълумотларнинг бир хиллиги ва солиштирилишини текшириш;
- бир марталик тушумларни миқдорий баҳолаш;
- бюджет кўрсаткичлари динамикаси тенденцияларини аниқлаш, прогнозларнинг бир нечта вариантларини ишлаб чиқиш;
- даромадларни прогноз қилишнинг турли хил вариантларини кўриб чиқиш ва энг мақбулини танлаш;
- бюджет даромадлари бўйича фискал кўрсаткичларни умумлаштириш.

Давлат бюджети даромадларини прогнозлаш, жумладан йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқларни прогнозлаштириш учун зарур бўлган ахборот манбалари қўйидагилар ҳисобига шаклланиши лозимлиги таҳлил қилинди:

- Корхона томонидан тўлдирилган солиқ ҳисоботларига мувофиқ солиқ органларнинг маълумотлари;
- Корхона томонидан тўлдирилган юк божхона декларациясига мувофиқ божхона статистикаси маълумотлари;
- Кадастр тизимининг маълумотлари ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиниши ва чиқарилиши;
- Йирик солиқ тўловчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш, товарлар ва хизматлар статистикаси, ишлаб чиқариш харажатлари маълумотлари;
- Тармоқ, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий статистика кўрсаткичлари, аҳоли статистикаси, молиявий статистика, инвестициялар статистикаси;
- Мамлакат ва ҳудудлар иқтисодиётининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари;
- Нархлар, тарифлар ва инфляция статистикаси;
- Марказий банкининг валюта курси бўйича маълумотлари;
- Хомашё, шу жумладан олтин ва бошқа қимматбаҳо металллар жаҳон нархлари динамикасини эълон қилувчи мустақил ахборот порталлари;

➤ Бюджет даромадлари ижроси учун масъул бўлган давлат органларининг ҳисоб-китоблари;

➤ Мамлакат ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнози, шу жумладан макроиқтисодий вазият ривожланишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, иқтисодий тузилмаси, ташқи иқтисодий фаолияти, ишлаб чиқариш ва истеъмол динамикаси, турмуш даражаси ва сифати, ижтимоий тузилма;

Прогнозлаш методологияси ҳар бир даромад тури учун ишлаб чиқилади ва ҳар бир даромад тури учун қуйидаги ҳисоблаш усулларида бири қўлланилади:

тўғридан-тўғри ҳисоблаш - даромад турлари бўйича тушумларнинг прогноз ҳажмини белгиловчи ҳажм ва таннарх кўрсаткичлари, ставкалар даражалари ва бошқа кўрсаткичларнинг прогноз қийматларидан бевосита фойдаланиш асосида;

индексация - Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари даромадларининг прогноз тури динамикасини тавсифловчи ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш коэффициентларидан, шу жумладан абсолютда, фойдаланган ҳолда ҳисоблаш;

экстраполяция - олдинги даврлардаги даромадлар тенденциялари тўғрисидаги мавжуд маълумотлар асосида амалга ошириладиган ҳисоб-китоб;

ўртача ҳисоблаш — Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари даромадларининг йиллик ҳажмларини камида 3 йил давомида ёки агар у 3 йилдан ошмаса, тегишли турдаги даромадлар келиб тушишининг бутун даври учун ўртача кўрсаткичларига асосланган ҳисоб-китоб;

даромад олишни ишончли прогноз қилиш имконини берувчи бошқа усуллар.

Йирик солиқ тўловчи ҳисобланган Олтин, кумуш, мис қазиб олиш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар учун фойда солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва дивидендлар прогнозини ҳисоблаш олтин қазиб олиш саноати корхоналари шароитида олтин қазиб олиш ҳажми, олтиннинг жаҳон бозоридаги кутилаётган нархи, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курси ва солиқ қонунчилигида назарда тутилган ставкаларга асосланади.

Олтин, кумуш, мис қазиб олиш ва сотиш билан шуғулланувчи йирик корхоналар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, фойда солиғи ва дивидендлар прогнози қуйидаги формулалар орқали прогнозлаштирилади:

а) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи прогнози:

$$P=V*St$$

бунда:

P - солиқ прогнози;

V - ялпи тушум;

St - ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси.

Ялпи тушум қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$V=H*N*Susd$$

бунда:

V - ялпи тушум;

H - олтин қазиб олиш саноати корхоналари шароитида олтинни унцияларда ишлаб чиқариш ва сотиш режаси;

N - олтиннинг бир унция АҚШ долларидagi нархи;

Susd - АҚШ долларининг сўмга нисбатан прогноз курси.

б) Фойда солиғи прогнози:

$$P = (V * Stb * St) + ((V - C - (V * Stb)) * Sto) + (A)$$

бунда:

P - солиқ прогнози;

V - ялпи тушум;

Stb - фойда солиғининг солиқ базаси (солиқ солиш базасининг, товар (иш, хизмат) реализация қилишдан тушган тушумнинг 15 фоизига тенг миқдордаги қисмига);

St - фойда солиғининг стандарт ставкаси;

C - жами харажат;

Sto - фойда солиғининг оширилган ставкаси;

A - олдинги йилдан қолган тўловлар.

в) Дивиденд солиғи суммаси прогнози:

$$P = (V - C - Ss) * Dp$$

P - солиқ прогнози;

V - ялпи тушум;

C - жами харажат;

Ss - фойда солиғи суммаси;

Dp - дивиденд солиғи ставкаси.

г) Дивиденд суммаси прогнози:

$$P = (V - C - Ss) * Dp$$

P - солиқ прогнози;

V - ялпи тушум;

C - жами харажат;

Ss - фойда солиғи суммаси;

Dp - дивиденд миқдори фоизи.

Бундан ташқари, акциз солиғи тўловчи корхоналар йирик солиқ тўловчи корхоналар ҳисобланганлиги сабабли **акциз солиғи** прогнозини ҳисоблаш тартиби қуйидаги формула орқали прогнозлаштирилади:

$$P = Sb * St * Ks - Si$$

P – солиқ прогнози;

Sb – акциз солиғига тортиладиган товарлари базасининг келгуси йилдаги прогнози;

St – тегишли акциз солиғининг ставкаси;

Ks – солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигидаги ўзгаришларни ёки эксперт хулосасини акс эттирувчи коэффициент;

Si – қутилаётган солиқ имтиёзлари.

Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим бўйича давлат улуши (СРП) солиқ тўловчилар билан тузилган шартномалар бўйича ишлаб чиқаришни тақсимлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси улушини олиш прогнози қуйидаги формула орқали прогнозлаштирилади:

$$P=(Tg*Sn*Susd-Kx)*U$$

бу ерда:

P – давлат улушининг прогноз миқдори;

Tb – табиий газ сотилиш ҳажми;

Sn- сотиш нархи;

Susd- валюта курси

Kx- компенсация харажатлари

U - давлат улуши, %.

Шу билан бирга мазкур банддан келиб чиқиб ер қаъридан фойдаланганлик учун ва фойда солиғи ҳам прогноз қилинади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларнинг алоҳида аҳамиятга эгаллиги сабабли Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқлар тушумларини прогнозлаштириш жуда муҳим масала ҳисобланади. Шунингдек, солиқ тушумларида йирик солиқ тўловчилар солиқ тушумларининг ўрни юқорилиги сабабли йирик солиқ тўловчилар солиқ тушумларини прогнозлаштириш орқали яқин келажакда бюджетга тушиши кутилаётган солиқ тушумларини пухта ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда прогнозлаштириш керак бўлади.

Давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашда солиқ тушумларини прогнозлаштириш билан боғлиқ қуйидаги таклифларни амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг келгуси йиллар ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган Давлат бюджетини даромадлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида бюджет даромадлари, шу жумладан солиқ тушумларини прогнозлаш методикасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу билан давлат бюджетига даромадларнинг вақтида келиб тушиши таъминланади.

2. Йирик солиқ тўловчилар бўйича алоҳида ёндашув талаб қилинишини ҳисобга олган ҳолда Давлат бюджети даромадлари ва солиқ тушумлари прогнози методикасини ишлаб чиқиш юқоридаги таклифларни қўллаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ahmed M.A. Pakistan: wither tax reforms– the case of large taxpayers’ unit, Islamabad // Journal of Tax Reform. 2018. Vol. 4, No. 3. P. 202–222.

2. Grob P. Tax governance and justified trust [online] // Taxation in Australia. 2017. Vol. 52, No. 5. P. 261–265.

3. Akhand Z. Understanding the effects of coercive and persuasive tax compliance tools on large corporate taxpayers [online] // Journal of Australian Taxation. 2014. Vol. 16, No. 2. P. 206– 258.

4. Пепеляев С. Структура налоговой службы: время исправлять ситуацию // Экономика и жизнь. 2004. № 12.

5. Пепеляев С.Г. Актуальные проблемы законодательства и правоприменительной практики налогового администрирования крупнейших

налогоплательщиков // Правовые проблемы налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. М.: ВолтерсКлувер, 2006.

6. Каратаев А.С., Каратаева Е.Г. Теория налогового контроля и ее обусловленность особенностями налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков // Экономические науки. 2010. № 69. С. 153–156.

7. Каратаев А.С. Налоговая политика государства в отношении крупнейших налогоплательщиков // Инновационное развитие экономики. 2011. № 2. С. 23–32.

8. Айтхожина Г.С. Особенности планирования выездных налоговых проверок крупнейших налогоплательщиков // Вестник Омского университета. Серия: Экономика. 2011. № 1. С. 190–192.

9. Белугина М.В. Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков: проблемы, пути совершенствования // Инновационное развитие экономики. 2015. № 5 (29). С. 27–30.

10. Струкова Л.А. Проблемы налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков // Actualscience. 2016. Т. 2, №. 11. С. 269–271.

11. Гончаренко Л.И., Вишневская Н.Г. Налоговый контроль применения трансфертных цен крупнейшими налогоплательщиками: актуальны ли изменения правил? // Экономика. Налоги. Право. 2015. № 2. С. 112–119.

12. Новосёлов К.В. Консолидированные группы налогоплательщиков. Кто они? // Налоговая политика и практика. 2012. № 1. С. 34–39.

13. Королева Л.П. Роль консолидированной группы налогоплательщиков в обеспечении инновационного прорыва: быть или не быть // Journal of Tax Reform. 2015. Т. 1, №. 2-3. С. 177–193.

14. Ильин В. А., Поварова А. И. Недостатки налогового администрирования крупного бизнеса и их влияние на региональные бюджеты // Экономика региона. 2017. Т. 13. Вып. 1. С. 25–37.

15. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Фафур Ғулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.